Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 30-aprel, seshanba № 54 (3247)

ДАВРА СУҲБАТИ

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда алоқадор вазирлик ва идоралар вакиллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари иштирок этдилар.***



Давра суҳбатида мамлакатимизда ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, уларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиш масалаларига эътиборнинг йил сайин кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини такомиллаштириш, ходимларга нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан барча соҳаларда техник ва технологик янгиланиш йўлидан бориб, модернизация ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, меҳнатни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш масалалари илгари суриб келинмоқда. Шунингдек, режали равишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг V Қурултойидан сўнг, меҳнат муҳофазаси сифати ва самарадорлигини ошириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Федерация Кенгаши ҳамда ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмаларида Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тизими ишга туширилди. Улар фаолиятининг асосий мезони этиб корхона, ташкилот ва муассасаларда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, жамоатчилик назоратини ошириш ва иш берувчилар масъулиятини кучайтириш масалалари бирламчи вазифа қилиб белгилаб олинди.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайтиришда иш берувчилар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги самарадорлигини кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар биринчи навбатда тилга олинди.

Тадбир иштирокчилари томонидан мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга оид норматив-ҳуқуқий негизнинг такомиллаштириб борилиши натижасида қатор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш имкони яратилганлиги эътироф этилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда давлатнинг энг яқин ҳамкори ҳисобланган касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган ишларига тўхтаб ўтилди.

Мазкур йўналишлардаги ишларда 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжат жойлардаги ҳудудий ва тармоқ келишувлари ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини давр талаби асосида бойитиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини ҳамда меҳнати муҳофазасини кучайтириш имконини берди. Хусусан, қатор тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларига меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган салмоқли тадбирлар киритилди ва бу бугунги кунда ўзининг амалий натижасини бераётир.

Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликнинг самарали ижро механизмини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасидаги қўшма тадбирлар режасига биноан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Федерация Кенгаши томонидан Жамоа шартномаларидаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими» ҳам аввалгидек барча тармоқларга бир хил қолипда бўлмай, ҳар бир тармоққа ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш тавсия этилди. Яъни, Республикамизда хўжалик бошқарув тизими ўзгариши, кўпчилик корхоналар бозор иқтисодиётига ўтиши билан уларда мулкчилик шаклининг ўзгариши ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларни молиялаштириш манбалари ўзгариши муносабати билан давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари ва коллежлар учун ўз йўналишлари, хусусиятлари, имкониятлари ва норматив ҳужжатлар базаларидан келиб чиқиб, жамоа шартномаларининг алоҳида-алоҳида макетлари ишлаб чиқилди ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига қўлланма сифатида керакли йўл-йўриқлар берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ташкил этишга алоқадор вазирлик ва идораларга берилган таклифлар натижасида жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялар макетидаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунаси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга етказилди. Таъкидлаш лозимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ижтимоий ҳамкорлик самараси ўлароқ «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланиши орқали ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби белгиланди.

Ходимлар меҳнати муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилди. Ушбу Тавсиялар ва жамоа шартномаси макетига киритилган тадбирларнинг жамоа шартномаларида акс эттирилиши ҳамда тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида Федерация Кенгашининг экспертиза комиссиясига тақдим этилган 44 та тармоқ, 7 та ҳудудий ва минтақавий келишувларга меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларининг киритилишини таъминловчи таклифлар берилди. Шунингдек, 27 та тармоқ ва ҳудудий келишувларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар экспертизадан ўтказилди.

Мазкур экспертизалар натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар саломатлигини сақлаш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асрашга қаратилган талаблар кучайтирилди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишини иш берувчилар ва уларнинг тегишли юқори бошқарув идораларидан талаб қилиш асослари яратилди. Муҳими, Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида касаба уюшмалари вакилларининг иштироки таъминланмоқда.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майдаги Қарорига асосан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» таълим йўналиши негизида магистратура мутахассисликларини тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда ходимлар меҳнат муҳофазасини янада кучайтиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат техника университети қошида махсус курс ташкил этилди. Бу ишлар иш берувчиларнинг мазкур йўналишдаги мутахассисларга бўлган талабини қондириш имкониятлари кўламини ҳам кенгайтирди.

**(Давоми 2-саҳифада).**

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг «Фриеденсдорф-Интернейшнл» халқаро ташкилоти таянч ҳаракат аъзолари касалликлари ва туғма нуқсонли болаларни даволаш юзасидан қатор ибратли ишларни ташкил этиб келаяпти. Хориж мутахассислари Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида 85 нафар дардманд болани тиббий кўрикдан ўтказди.***

Таъкидлаш жоизки, хорижий мутахассислар томонидан мазкур даволаниш муассасасининг замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозланганлигини, бу ерда турли гуманитар ташкилотлар ёрдамида ташкил этилган акцияларда Туркия, Жанубий Корея, Германия давлатлари шифокорлари билан биргаликда ўтказилаётгани амалиётларда юзлаб болаларнинг саломатлиги тиклаб келинаётгани алоҳида эътироф этилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида, болалардаги айрим юқумли ва паразитар, асаб қон айланиш тизимлари, ўткир респератор ва нафас олиш аъзолари касалликларига барҳам берилмоқда. Сурункали юрак етишмовчилиги дардига чалинганлар очиқ ва ёпиқ жарроҳлик амалиётлари орқали шифо топаяпти. Бир қатор ноёб жарроҳлик амалиётларини қўллаган ҳолда қўшни Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан келган кичкинтойларга ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

Марказга «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси» доирасида Япония, Голландия ва Хитой давлатларидан 14 та инкубатор ва кислород ишлаб чиқариш ускуналари, чақалоқларга она қорнидаги муҳитни яратиб берувчи махсус мослама, диатермокоагулятор ҳамда 24 хилдаги жарроҳлик асбоблари келтирилган.

Амалдаги йилда бу маскан Германиянинг «KFW» банки томонидан ажратилган 1 миллион 340 минг евро миқдоридаги сармоя ҳисобига реконструкция қилиниши мўлжалланмоқда.

— Ҳудудимизда ана шундай даволаш муассасаларининг борлиги хориждаги нуфузли масканлар билан ҳамкорликни осонлаштирмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Раҳима Раҳмонова. — Германиялик мутахассислар ҳудудда туғма дарддан азият чекаётган 85 нафар болани тиббий кўрикдан ўтказишди. Улардан 12 нафари Германия шифохоналарида соғломлаштириладиган бўлди. Ўтган йили 7 нафар самарқандлик дардманд бола олмон ўлкасига даволанишга жўнатилган эди. 4 нафари зарур муолажани олиб қайтишди. Уч нафари эса даволанишни давом эттиришаётир.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

**Маълумки, 2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг «Фриеденздорф-Интернейшнл» халқаро ташкилоти томонидан уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят минтақавий филиали директори Муборак Аҳмедованинг таъкидлашича, уч томонлама тузилган шартномага асосан 2003 йилдан буён Германия давлатига Бухородан даволаниш учун юборилган 23 нафар ногирон ва бемор болалар муолажа курсларини ўтаб, соғломлаштирилган.**

# ОНАЛАР МИННАТДОР

Яқинда Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 60 нафарга яқин оналар саломатлиги ёмонлашган фарзандларини ана шундай нуфузли халқаро ташкилот вакиллар томонидан тиббий кўрикдан ўтказиш учун Бухоро шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказига олиб келишди.

«Фриеденздорф-Интернейшнл» халқаро ташкилоти раҳбари Томас Якобс ва мазкур ташкилот ходими Мария Тиннефелд қабулига келган ҳар бир боланинг саломатлигини синчиклаб ўрганишди. Маслаҳатлар беришди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, энг оғир деб топилган болалар жорий йилнинг август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун 6 ойдан 3 йилгача муддатда муолажаларда бўлиши маълум қилинди. Муҳими, оналар ва фарзандлар юзида келажакка умидворлик ҳислари намоён бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, айрим оналар фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

**Лариса Миллибаева — Учқудуқ тумани, Жузкудуқ қишлоғидан.**

— Ўғлим Медет Байзаковни германиялик шифокорлар ҳузурига олиб келдим. У 9 ёшда. Бахтсиз ҳодиса туфайли ўтган йили танасининг бир қисми куйган эди. Маҳаллий касалхоналарда даволанди. Бироқ куйиш асоратлари уни ҳамон безовта қилиб келаётганди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ёрдами билан бугун хорижлик шифокорлар кўригидан ўтди. Улар даволашнинг яхши маслаҳатларини бериб, бир неча ойдан кейин Германияга олиб кетишларини айтишди.

**Мусаллам Нарзиева — Вобкент тумани марказидаги Зиё кўчасидан.**

— 9 ёшли ўғлим Умиджон артрогрипоз, яъни қўл-оёқ маймоқлиги билан туғилган эди. Вобкент, Бухоро, Тошкент касалхоналарида даволанди. Операция қилинди. Ниҳоят, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг амалий кўмаги билан «Фриеденздроф-Интернейшнл» халқаро жамғармаси шифокорларига мурожаатимиз ўз натижасини берди. 2010 йилда у 6 ой давомида Германияда даволанди. Орадан 1 йил ўтгач, 2-марта уни клиникаларда бепул даволаш учун олиб кетишди. Бугун Бухорога ташриф буюрган ўша хориж шифокорлари ўзлари билан ўғлимнинг суратини ҳам олиб келишибди. Кўриб жуда хурсанд бўлдик. Анча соғайиб қолибди. Айтишларича, немис тилини ҳам анча ўрганиб олибди. Марказий Осиёдан даволаниш учун борган болаларга таржимонлик ҳам қилаётган экан. Бундай ғамхўрлик, ҳамкорлик учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдираман.

**Сурайё Шерметова — Янгибозор туманидаги «Боғолон» қишлоқ фермерлари уюшмасидан.**

— Ўғлим Элдорбек 7 ёшда, ногирон. У 2,5 ёшида сўндирилаётган оҳак ўрасига тушиб кетган эди. Шифокорлар унга чуқур куйиш ташхисини қўйишди. Қўл, оёқ, болдир соҳалари қаттиқ жароҳатланиб, қўл, оёқ бармоқлари бирикиб кетганлиги туфайли юра олмасди, ҳатто гапиролмасди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси йўлланмаси билан бугун Бухорога келиб германиялик шифокорлар кўригидан ўтдик. Элдорбекни август ойида бепул даволаш учун Германияга олиб кетишадиган бўлишди. Уни соғайтириб, уйига қайтарамиз, деганларида кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Шу куни «Фриеденздроф-Интернейшнл» халқаро жамғармаси шифокорлари қабулига кирган ҳар бир она ва бола аниқ ташхис, фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамдан беҳад миннатдор бўлдилар.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Янгиликлар оқимидан

**АНДИЖОН**

***«Саноатқурилишбанк»-нинг Хонобод филиалидан 500 млн. сўм миқдорида кредит олган тадбиркор Р. Раҳимов жорий йил бошида «Lens textile invest» тикувчилик корхонасини ишга тушириб, 250 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.***

### ЯНГИ КОРХОНА ШАРОФАТИ

Айни чоғда Туркиядан келтирилган дастгоҳларда трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона жойлашган ташландиқ бино қайта реконструкция қилиниб, ишчи-ходимлар учун қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилди. 200 кишилик шинам ошхона, замонавий ечиниш ва ювиниш хоналари барпо этилди.

Маҳсулотларга ҳозирданоқ Россиядан буюртмалар туша бошлади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**СИРДАРЁ**

***Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежида Гулистон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар прокуратураси ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркаси ўтказди.***

### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

37 та корхона ва ташкилот 439 та бўш иш ўрни билан қатнашган ярмарка чоғида 54 нафар киши ишга жойлашиб, 18 нафар йигит-қиз бепул ҳуқуқий маслаҳат олди.

— Бундай хайрли ишларнинг ташкил этилиши бизни мамнун этаётир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Ахтарянова. — Бугун ҳудудимиздан келган 10 нафар ёшлар ишли бўлди.

**Баҳодир РАҲМОН**

**ФАРҒОНА**

***Марғилон шаҳрида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш салмоғини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

### ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ

Жумладан, Ишчилар шаҳарчасидаги туғруқ мажмуаси таъмирланиб, 106 млн. сўмликдан зиёд замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бу эса она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш имконини бераяпти.

— Оилада тиббий маданият ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, — дейди туғруқ мажмуаси бош шифокори, олий тоифали врач Манзура Салимова.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

**ЖИЗЗАХ**

***Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ўқув-машқ майдонида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат 12 жамоа ўзаро куч синашди.***

### ШУНҚОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Мусобақада шунқорлар ҳарбий-спорт турлари, саф кўриги, умумсиёсий ва жисмоний тайёргарлик, мерганлик, ҳарбий топография каби ўндан зиёд шартлар бўйича ўзаро куч синашди. Мусобақа якунида барча шарт бўйича юқори натижаларга эришган Бахмал туманининг «Ёш чегарачилар» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззах туманининг «Буюк Турон» ва Ғаллаорол туманининг «Қалқон» жамоалари кейинги ўринларни эгаллади.

**ЎзА**

Ishonch
2013-yil 30-aprel № 54 (3247)

ДАВРА СУҲБАТИ

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Ходимлар меҳнат муҳофазасини кучайтиришда соҳага оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Ўзстандарт» агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат




инспекцияси билан ҳамкорлик алоқалари кучайтирилиб, 2012 — 2013 йиллар учун «Қўшма тадбирлар режаси» асосида иш олиб борилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни энг яхши ташкил этган корхоналар ҳамда жамоат назоратини намунали йўлга қўйган касаба уюшма ташкилотлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Республика кўрик-танловининг йўлга қўйилиши ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш имконини берди. Амалга оширилган ишлар ва тегишли масалаларни ижтимоий шериклар иштирокида муҳокама қилиш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини олиб бориш ишлари кучайтирилди.

2012 йилда меҳнат муҳофазаси бўйича 5690 та корхона ва ташкилотда йўлга қўйилган ишлар ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Тошкент вилоятида 632 та, Хоразм вилоятида 103 та, Самарқанд вилоятида 1027 та, Сирдарё вилоятида 119 та, Жиззах вилоятида 513 та, Қашқадарё вилоятида эса 162 та фаолияти ўрганилган корхонага амалий ёрдам кўрсатилиб, қатор долзарб масалалар юзасидан иш берувчиларга касаба уюшмалари томонидан тақдимномалар киритилиши натижасида ушбу масалаларнинг жойида ҳал этилишига эришилди.

Касаба уюшмалари мутахассисларининг ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоя этиш доирасида ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этишларидан мақсад ҳам бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдир.

Давра суҳбатида иштирок этган ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари мазкур соҳадаги ҳамкорлик салмоғини янада кенгайтириш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчиларнинг саволларига мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари батафсил жавоб бердилар. Тадбир якуни бўйича ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга оид дастур қабул қилинишига келишиб олинди.

Тадбирда меҳнат муҳофазаси ишларини энг яхши ташкил этган 7 та корхона ва ташкилот Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан махсус диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда «Максам-Чирчиқ» ОАЖ мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазасига оид илғор тажрибалар тақдимоти ҳам ўтказилди. Махсус кийим-бош ва индивидуал ҳимоя воситалари кўргазмаси ташкил этилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — КАФОЛАТ

***«Каттақўрғон ёғ-мой» ОАЖ маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходимларга қулай ишчанлик муҳитини яратиш йўлида изланиб хато қилмади. Ўтган йил иқтисодий имкониятдан келиб чиққан ҳолда ишчиларнинг ойлик маоши эллик фоизга оширилган эди. Моддий манфаатдорлик ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ғалвир сувдан кўтарилганда, тизим корхоналари орасида энг кўп соф фойда олингани маълум бўлди.***

# МАНФААТДОРЛИК — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Қарийб саксон йиллик тарихга эга корхонада бир неча авлод шаклланди. Дастгоҳлар бугун ҳам ишончли қўлларда. Корхонани жиҳозлаш, модернизация қилиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Меҳнат муҳофазасига дахлдор ходимлар масъулияти оширилгани боис кўнгилсизликларга йўл қўйилмаяпти. Бу корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномаси ижросига бағишланган йиғилишда ҳам алоҳида қайд этилди.

ОАЖ бошқаруви раиси Абдураҳмон Маҳмудов, хусусан, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этишда жамоа шартномасининг ўрни ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ўтган йилда 13 нафар ходимга «Мухтор» массивида қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлардан олиб берилди, — деди у, жумладан.

Дастлабки тўлов бадаллари корхона ҳисобидан қопланди. Бу йил яна 9 нафар ходим ана шундай янги уй соҳиби бўлади. Ҳар бир ходимга 37 млн. сўм миқдоридаги дастлабки тўлов корхона ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоа шартномаси асосида ходимлар моддий манфаатдорлиги оширилиб, уларга 241 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонада ишловчи хотин-қизларга 4 млн. 63 минг сўм миқдорида кўмак берилди. Маъмурият ва касаба уюшмаси ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун қарийб 12 млн. сўм маблағ сарфланиб, ходимлар саломатлигини сақлаш, дам олишини таъминлашга корхона ҳисобидан 8 млн. 900 минг сўм пул ажратилган. Ўн нафар ходимнинг олийгоҳларда таҳсил олаётган фарзандлари учун 33 млн. 433 минг сўм шартнома пуллари тўлаб берилган.

Тасарруфдаги «Фарҳод» болалар оромгоҳини талаб даражасига етказиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йилда бу масканга корхона томонидан 17 млн. сўм маблағ ажратилиб, таъмирдан чиқарилган ва ходимларнинг 250 нафар фарзанди дам олдирилган эди. Айни чоғда қурилиш-таъмирлаш ишлари авжида. Корхона қошида қўшимча иш ўринларини яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Ҳозирда 8 кишини иш билан банд этган қандолатчилик цехи ишга туширилди. Имкониятдан оқилона фойдаланган ҳолда ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, 9 та иш ўрни яратилди. Ходимларга чегирма асосидаги чорвачилик, қандолатчилик ва нон маҳсулотлари етказиб берилаяпти.

— Жамоа шартномасига киритилган тадбирларнинг аксарияти амалда ўз ижросини топди, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Анора Қодирова. — Аммо йўл қўйилган камчиликларимиз ҳам бор. Корхонада хизмат қилаётган ходимларни мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатини ташкил этишдан кўнглимиз тўлмади. Жорий йилда бунга эътиборни кучайтирамиз.

Йиғилишда ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Дилмурод Мўминов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Турсунбой Ниёзов, тармоқ кенгашининг Самарқанд вилояти масъул ташкилотчиси Нормурод Ражабов мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

***Корхона касаба уюшма ташкилотининг етакчиси Фарҳод Беков билан маъмурият биноси ёнида учрашдик. Пештоқига «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти деб ёзилган нақшинкор дарвозадан ичкарига кирар эканмиз, ҳамроҳимиз йўл-йўлакай кейинги йилларда корхонада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қила бошлади.***

— Айни вақтда жамоамизда 260 нафар киши меҳнат қилмоқда, — деди касабақўм етакчиси. — Корхонамиз ҳудудида ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратилган. Озиқ-овқат дўкони, пойафзал таъмирлаш устахонаси, сартарошхона ... Хуллас, ҳеч ким нарса излаб кўча изғиб юрмайди.

Цехлар Хитойдан келтирилган пахта тозалаш, жинлаш, линтерлаш ҳамда пресслаш дастгоҳлари билан қайта реконструкция қилинган. Замонавий лаборатория хоналари ҳам зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

— Ишчи-хизматчиларга қанчалик ғамхўрлик кўрсатилса, ишлаб чиқариш шунчалик юқори



бўлишини иш тажрибамда синаб кўрганман, — дейди корхона раҳбари Ғофур Жабборов. — Касабақўм билан қўлни қўлга бериб ишлаётганимиз ўз самарасини бераётир. 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига киритилган ҳар бир банднинг бажарилишига икковимиз ҳам бирдек масъулмиз.

Бу йил корхона жамоаси Юқори Чирчиқ туманида етиштирилган 22 минг тонна пахта ҳосилини қайта ишлаш мажбуриятини олган. Ҳозирданоқ бу ишга пахта ҳозирлик кўрилмоқда.

— Корхонада ўртача иш ҳақи 400 минг сўмни ташкил этмоқда. Айни вақтда корхонамизда 2 та пиллахона биноси қуриб битказилмоқда. Бу ерга 50 кишини ишга олдик. Шунингдек, боғдорчилик ҳам иккинчи касбимизга айланди. Бу йил 10 гектар майдонга олма кўчатлари, 1 гектарга эса тут ниҳоллари экдик. Корхонамиз ҳудудида эса 150 тонналик музлатгич биноси қурилди. Ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шу ерда сақлаб, қишин-ёзин эл дастурхонига етказиб бериш ниятидамиз, — дейди суҳбатни кўр олдириб касабақўм раиси.

Бу ерда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаяпти, бу ҳаракат беиз кетмаяпти, албатта. Жамоатчилик асосида сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллардан Рифқат Абдуллаев, Йўлчи Усмоналиев, Баҳром Тошхўжаевлар меҳнат муҳофазаси қонунининг ҳар бир банди сўзсиз бажарилишини назорат қилиб боришяпти. Барча ишловчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда пойафзал билан таъминланган. Тумандаги фермер хўжаликлари билан шартнома тузилганлиги боис, ишчиларга ҳар куни сут-қатиқ маҳсулотлари етказиб бериляпти.

Корхонада ёшлар билан ишлаш масаласига ҳам эътибор катта. Тумандаги транспорт ва иқтисодиёт ҳамда агросаноат ва иқтисодиёт коллежлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Амалиётни ўтаётган ўқувчилардан Шуҳрат Тўйчиев, Султонали Сулаймонов, Ашурали Тўрабоев сингари тажрибали ишчилар ўз маслаҳатларини аяшмаяпти.

Жамоанинг ҳар бир аъзоси йилига 2 марта тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бу ишга корхона тиббиёт хонасининг ҳамшираси Гавҳар Ханиязова бош-қош. Махсус ечиниш ва ювиниш, гигиена хоналари дид билан безатилган. Айни вақтда корхона ҳудудида ўйингоҳ қурилаётир.

— Корхона касабақўм раиси Фарҳод Беков иш фаолиятини оддий созловчиликдан бошлаган. Сўнг турли раҳбарлик лавозимларида ишлади, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ҳусан Бегматов. — Ўтган йили жамоа аъзолари унга катта ишонч билдириб, касаба уюшма ташкилотига раис этиб сайлашди. Янглишишмаган экан. Етакчи уларнинг ишончларини тўла-тўкис оқлаётир. Шу боис мазкур бошланғич ташкилотга «Намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» мақоми берилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз.

Гувоҳи бўлдикки, корхонада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар олиб бориляпти. Тармоқ туман касаба уюшма кенгаши ҳам ташкилотнинг доимий кўмакчисига айланган. Амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, ногаҳон хаёлимиздан «Интилганга толе ёр» деган мақол ўтди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Суратда: меҳнат муҳофазаси бўйича вакил Баҳром Тошхўжаев чилангар Элбек Турсуновга ишга тушишдан олдин йўриқнома бермоқда.**

# Сўз — давра суҳбати иштирокчиларига

**Алишер ШАЙХОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:**

— Дарҳақиқат, жамоа шартномаси ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик соҳасида ҳам меҳнат муҳофазаси долзарб ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда йил сайин ташкил этилаётган янги корхоналар салмоғи ортиб бормоқда. Янги технологиялар жорий этилмоқда. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини таъминлаш ишларига эътибор кучайтирилмоқда.

Бугунги кунда меҳнат муҳофазаси бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, касаба уюшмалари ва яна қатор жамоат ташкилотларининг фаоллигини кўриш мумкин. Улар томонидан мазкур йўналишда жамоатчилик назорати кучайтирилганлиги эса айни муддаодир.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳам ўзининг энг яқин ижтимоий ҳамкори бўлган касаба уюшмалари Федерацияси билан тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунки бугунги кунда тадбиркорлик тизимида меҳнат муҳофазаси имкониятларини кенгайтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Айниқса, оилавий тадбиркорлар меҳнатини муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур. Яъни, уларни касаба уюшмаларига аъзо қилиш, шу орқали улар меҳнатини ҳар томонлама ҳимоялаш чораларини кўриш борасидаги ишлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, жойларда ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси бўйича тарғиботни кучайтириш орқали фаолиятни янада ривожлантиришимиз даркор.

**Нурия АЙТЖАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:**

— Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Шунингдек, Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари бу борада асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилишдаги давлат сиёсатининг давлат бошқарув ва ижро органлари томонидан ижро этилиши «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Шу билан бирга, қонунда корхоналарда соғлиқ учун хавфсиз иш шароитларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ҳамда касб касалликларининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори бўлган корхоналарда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид жамоат бирлашмалари ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш кабилар тартибга солинади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб, мулкчилик шакллари кенгайиб бормоқда. Табиийки, бу меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишларга эътиборни янада кучайтириш, ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этади. Бу борада давлат ташкилотлари ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат муҳофазаси соҳасида маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш масалалари муҳим рол ўйнайди.

**Нозима СУЛАЙМОНОВА, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими инсоннинг иш жараёнидаги хавфсизлиги, саломатлиги, иш қобилиятининг сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирларини қамраб олувчи, соҳага оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосига қурилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жараёнларнинг сифатли амалга оширилишида корхоналарда меҳнат муҳофазаси тизимининг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, корхоналарда ташкил этилган уч поғонали назоратнинг амалга оширилишига эътиборни кучайтириш зарур. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъул ходимнинг билими, меҳнат муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун корхоналарда етарли маблағ ажратилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш, корхоналарга етказиладиган зарарларни камайтириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Махсус дастурлар асосида ҳозирда 227 та соҳага оид қоида ва нормалар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ушбу қоидалардан 102 таси ҳамда 38 та тармоқ ва ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатаётган ходимлар учун махсус кийим, пойабзал ва якка тартибда ҳимоя воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари касаба уюшалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигига киритилди ҳамда экспертизадан ўтказилиб, амалиётга жорий этилди. Шунингдек, қуйи бўғинларда профилактика ишларини кучайтириш, иш самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, қўшма тадбирлар режасини амалга оширишда касаба уюшмалари билан ҳамкорлигимиз устувор вазифалар сирасига киради.

**Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:**

— Палатамиз бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган ва янги иш бошламоқчи бўлган фуқароларимизга бизнесни юритиш ва уларни амалга ошириш бўйича қатор хизматларни кўрсатади ва маслаҳатлар беради. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кам сонли ходимларга эга бўлган жамоада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида ходим олиш ёки соҳа бўйича шуғулланувчи мутахассисни жалб этиш масалаларига ўзига хос тарзда ёндашиш зарур.

Шу боис Савдо-саноат палатасининг ижро этувчи қўмитаси ҳамда 14 та ҳудудий бошқармалар таркибида фаолият юритаётган юридик хизматлар томонидан бевосита кичик бизнес субъектларининг таъсис шартномаларини, шунингдек, меҳнат жамоаси билан иш берувчи ўртасидаги шартномаларни ишлаб чиқиш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ қилишга ёрдам бериб келинмоқда. Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар» ҳам кичик бизнес субъектларида меҳнат қилаётган ходимлар манфаатлари ҳимоясига қаратилган.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

# ҲЕЧ КИМ... УНУТИЛМАЙДИ

***Пойтахтимизнинг Сирғали туман Чернобил ижтимоий ўзаро ёрдам хайрия жамияти ташаббуси билан ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, ўтганларни ёдлаш мақсадида хайрия тадбири уюштирилди. Тадбирда чернобилчилар, уларнинг оила аъзолари, туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, юртимиздаги Белорус давлати элчихонаси вакиллари, ҳарбийлар иштирок этди. Ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашиб, нурланиш касаллиги натижасида оламдан ўтганлар хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Хотира манументига гулчамбар қўйилди.***

— Собиқ тузум даврида узоқни ўйламай амалга оширилган ишлар натижасида бутун бир минтақанинг табиий шароити — экологиясига катта зарар етказилди, минглаб инсонлар қурбон бўлди. Яна миллионлаб инсонлар ўзларининг одатий турмуш тарзидан ажралиб қолди, — деди жамият раиси Маҳаммаджон Абдуллаев. — Орол денгизи ҳалокати, Чернобил АЭСдаги портлаш ва бошқаларнинг зарарли таъсири собиқ иттифоқ таркибида бўлган турли минтақалар аҳолисини асрлар оша ҳам тинч қўймайдиган муаммога айланди. 1986-1987 йиллар мобайнида туманимиздан 122 нафар фуқаролар ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этиш учун сафарбар қилинган бўлиб, ҳозирда шулардан 53 нафари бизнинг рўйхатимизда туради. Улар давлат томонидан белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланиб келишяпти. Чернобилчиларимиз ҳар йили икки марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, махсус шифохоналарда даволанади. Сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилади. Ўтган йили Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши кўмаги билан улардан 18 нафари сиҳатгоҳга йўлланма билан таъминланди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, жамият томонидан ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган фуқароларни маънавий қўллаб-қувватлаш учун бир қатор ишлар амалга ошириб келиняпти. Чернобилчилар иштирокида мактаб, коллежларда ёшлар билан учрашувлар уюштириляпти. Турли байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олинади. Туманда нурланиш касаллиги оқибатида бевақт оламдан ўтган 31 нафар фуқаро шарафига хотира манументи ўрнатилган. Вақти-вақти билан уларни ёдлаш маросимлари ўтказилади.

— 1986 йили мен ҳарбий хизматда эдим, — дея эслайди ЧАЭС фожиасини Эркинбой Абдуллаев. — Март ойида Украинада сунъий ўғит ишлаб чиқарувчи завод портлади. Шу портлаш натижасида миям чайқалган эди. 26 апрелда эса олдимга рота командири келиб, АЭС ҳалокати юз берганини, гуруҳимиз портлаш жойига сафарбар қилинганини айтди. Эшитдимки, мен касалим туфайли бормасам ҳам бўлар экан. Лекин йигитлардан ажраб қолишни истамадим. Оғир пайтда гуруҳни ташлаб қўйгим келмади. Чунки вазият бизга тўлиқ тушунтирилмаган, бунинг оқибатида ҳаётим қанчалар ўзгариб кетиши мумкинлигини билмас эдим. Тўғри-да, гуруҳимиздаги энг ёши катта йигит ҳам эндигина 22 ёшга тўлганди. Кўпчилик буни бир саргузашт деб биларди. 48 кун портлаш марказидан 1 километр масофада ишлашимизга тўғри келди. Натижада, барчамиз нурланиш касалига чалиндик. Ҳозир касалликнинг азобли оқибатларини тортиб келяпмиз. Ўтган йили ҳукуматимиз кўмаги билан Москва шаҳрига ўнг кўзимни операция қилиш учун жўнатилдим. Операциядан сўнг ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Бу йил ҳам май ойида Москвага бораман. Ҳозирда бепул авиачипталар билан таъминланганман.

Тадбир қатнашчилари таъкидлаганидек, нурланиш касалига учраган инсонларнинг соғлигини тиклашда яқинлари, атрофдагилар томонидан кўрсатилаётган эътибор катта аҳамият касб этади. Зеро, бу касалдан тўлиқ даволаниб кетишнинг имкони мавжуд эмас. Фақат ғамхўрлик ва касалнинг ҳолатини тушунишгина узоқ умр гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин.

— Турмуш ўртоғим Сайидали ака малакали қурувчи эди, — дейди Ҳадича Комилжонова. — 1987 йили феврал ойида уни Украинага олиб кетишди. Аслида қоида бўйича 3 нафар фарзандли фуқаролар нурланиш ортиқча бўлган жойларга сафарбар қилинмаслиги керак эди. Бироқ ўша пайтдаги маъмурлар негадир Сайидали ака масаласида бу қоидани четлаб ўтишди. Бундан ташқари, ишчиларни Чернобилда бир ойдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмасада, турмуш ўртоғим 3 ой зарарли ишларда ишлади. Тўғриси, у киши қайтганида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди. Сочлари оқариб тўкила бошлаган, орқа тишлари қолмаган, асаблари тамом бўлганди. Шу бўйи 20 йилдан кўп вақт касалхонама- касалхона юрдик. Салгина қуёш ёки хонада телевизор қўйилиши касалнинг авж олиб кетишига сабаб бўларди. Охир оқибат, орттириб олган дард туфайли оламдан бевақт кўз юмди.

Тадбир доирасида чернобилчилар ва уларнинг оила аъзолари учун дастурхон ёзилди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2013-yil 30-aprel № 54 (3247)



# Ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

***Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоқ фуқаролар йиғини «Мунчоқтепа» маҳалласида яшовчи М.Исмановнинг ўғли Турсунали Усманов чақирилувчилар танловида яхши кўрсаткичларга эришганига қарамай, муддатли ҳарбий хизматга чақирилмагани, бу борада қонунни бузган шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида «Ishonch» газетасига ёзган аризаси Мудофаа вазирлиги мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.***

## ТЕГИШЛИ КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

Ҳақиқатан ҳам, Турсунали Усманов чақирилувчилар танловида қатнашиб, умумтаълим фанлари, жисмоний тайёргарлик ва бошқа синовлардан муваффақиятли ўтиб, туман чақирув тиббий комиссияси кўриги хулосаларига кўра, соғлом деб топилган ва доимий фаолият юритувчи вилоят тиббий комиссия кўригидан ўтиш учун тавсия этилган.

Бироқ, Чуст тумани мудофаа ишлари бўлими масъул ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида Турсуналининг вилоят тиббий комиссиясидан ўтганлиги тўғрисидаги тиббий варақаси, тест синови натижалари вилоят чақирув комиссиясига тақдим этилмаган. Шу сабабли, у муддатли ҳарбий хизматга чақирилмай қолган. 2013 йил чақирув ишлари ниҳоясига етганлиги боис, уни жорий йилда муддатли ҳарбий хизматга чақириш имконияти мавжуд эмас.

Чақирув олди тайёргарлик ва чақирувни ўтказиш ишларида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун Чуст тумани мудофаа ишлари бўлими раҳбари ва масъул ижрочиларига нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасига юқорида қайд этилган камчиликларга 2014 йил чақирув мавсумида мудофаа ишлари бўлимлари томонидан йўл қўймаслик бўйича зарурий чора-тадбирлар кўриш ҳамда Т. Усмановни муддатли ҳарбий хизматга чақириш масаласи туман ва вилоят чақирув комиссиялари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини назоратга олиш тўғрисида тегишли кўрсатма берилди.

**Э.РАҲМАТОВ,**
**Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи**

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ

## ФУҚАРОЛАР МИННАТДОР

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмалари органларида «Ишонч телефони» ҳамда ҳуқуқий ёрдам маслаҳат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида «Ишонч телефони» ташкил қилинган бўлиб, мазкур тизимга меҳнаткашлар ва фуқароларнинг ишончи тобора ортиб бормоқда.***

Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида 23 нафар фуқаро «Ишонч телефони» орқали касаба уюшмаси мутахассисларидан маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Шунингдек, бирлашма юридик бўлими меҳнат муносабатларига оид 8 та ёзма ва 33 та оғзаки мурожаатни қонунда белгиланган тартибда ўрганиб чиқди.

Жумладан, Бўз туман маданият ва спорт ишлари бўлимида ишловчи У.Раҳимов иш ҳақи ҳисобланиши тўхтатиб қўйилганлигидан норози бўлиб касаба уюшмасига мурожаат қилди. Ўрганиш натижасида унинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, иш ҳақи ҳисобланиши қайта йўлга қўйилди. Яъни, туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг 2013 йил 1 март кунги «У.Раҳимовга иш ҳақи ҳисобланишини тўхтатиш тўғрисида»ги буйруғи бекор қилинди. Шунингдек, Андижон шаҳрида яшовчи И.Якубовичнинг малака тоифасини тиклаш, Шаҳрихон туманида яшовчи Т.Олимовнинг 3-гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тўланмаётганлиги ҳақидаги ва Пахтаобод туманида яшовчи А.Асқаровнинг ишга жойлашиш учун ёрдам сўраб ёзган аризалари ижобий ҳал этилди.

Ҳақ-ҳуқуқини яхши билган инсон муаммоларни ҳал этишнинг қонуний йўлларини топа олади. Шу маънода, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳуқуқий тарбияни яхшилаш масалаларига бағишлаб 5 марта корхона, ташкилот, муассасаларда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбирларда иштирок этган касаба уюшма фаоллари, меҳнаткашлар ҳамда иш берувчиларнинг вакиллари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Х. УСМОНОВ,**
**Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

***Муқаддам «ўтириб чиққан» Камалбек Худаяровга панжара ортидаги ҳаёт ақл киритмаган кўринади. Бу сафар у бир қоиндан талашиб тушган укасини пичоқлади.***

## ЖАБРЛАНУВЧИ ДАЪВО ҚИЛМАСА-ДА...

К. Худаяров Оқтош шаҳри, Охунбобоев кўчасидаги 15-уйда яшаб келган. Жаҳл чиққанда ақл кетади, деганлари шу бўлса керак-да, укасига пичоқ уриб, сўнг ўз ишидан қўрқиб кетиб, тез тиббий ёрдам хизматига телефон қилади ва жабрланувчини шифохонага олиб боради.

Яхшиямки, жабрланувчининг соғлигига жиддий зиён етмади. Бунинг устига у жигарлигига бориб акасининг қилмишини кечирди.

Бироқ, жиноят жазосиз қолдирилмайди. Суд тергов-суриштирув ҳужжатларини ўрганиб, жабрланувчининг даъвоси бўлмаса-да, Камалбек Худаяровни айбли деб топиб, қонунда белгиланган тартибда жазо тайинлади.

**Ҳ. МАҲМУДОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Нарпай туман суди раиси**

## ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

***Рўзғорда деярли ҳар куни ўсимлик ёғидан фойдаланамиз. Агар борди-ю, бу маҳсулот сифатсиз, соғлигимиз учун зарарли бўлиб чиқса-чи?***

Мирзаобод туманида яшовчи, уч фарзандниг онаси Мунаввар Хўжақулова одамлар қарғишидан қўрқмади. У ўтган йилнинг феврал ойида ўз уйида мойжувоз ускунасини ўрнатиб, зарур текширувдан ўтмаган истеъмол ёғи ишлаб чиқара бошлади. Бундан ташқари, яширин цехни рухсатсиз электр тармоғига улаб, яна бир ҳуқуқбузарликка йўл қўйди.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқади. М. Хўжақулова Жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг ҳукмига кўра, қилмишига яраша жазо олди.

**Рустам НАРМЕТОВ,**
**СВОЖДЛҚК ва ЖДЛҚКД Сирдарё вилояти бошқармаси ходими**



## Сўраган экансиз

**САВОЛ:**

**Акам кўчада кетаётиб йиқилиб, оғир шикастланибди. Шу сабабли маълум вақт ишлай олмайди. Унинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, нафақа белгиланиши мумкинми?**

**Ш. ШОКИРОВ,**
**Чиноз тумани**

**ЖАВОБ:**

Меҳнат кодексининг 285-моддасига мувофиқ, касал бўлганда, меҳнатда ёки майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан, оиласининг бетоб бўлиб қолган аъзосини парвариш қилганда ва бошқа ҳолларда ишловчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганда меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш ҳақининг тўлиқ миқдорида тўланади. Бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддати ҳамда умумий иш стажи ва қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда тўланиши белгиланган.

**САВОЛ:**

**Ташкилотга янги ишга кирган ходим билан қанча вақт оралиғида меҳнат шартномаси тузилиши керак? Ишга қабул қилиш расмийлаштирилмаган бўлса ҳам меҳнат шартномаси тузилган ҳисобланадими?**

**А.ЖОНУЗОҚОВ,**
**Чилонзор тумани**

**ЖАВОБ:**

МКнинг 82-моддасида ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатан ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланиши белгиланган.

Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади. Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

**САВОЛ:**

**Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддати қанча қилиб белгиланган?**

**Ш.АРЗИЕВ,**
**Гулистон шаҳри**

**ЖАВОБ:**

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан, меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда эса бир кунда икки соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз пайтида аниқ ҳисобга олиб бориши керак.

**Саволларга ҳуқуқшунос Наима ЯДИГАРОВА жавоб берди**

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚ

***Янгийўл шаҳар «Маърифат» кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ўзлари яшаб турган кўп қаватли уй иссиқ сув, иссиқлик энергияси билан таъминланмаётгани ва электр энергияси тез-тез ўчиб туриши тўғрисида вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига шикоят билан мурожаат қилишди.***

## МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛДИ

Ҳудудий бирлашма томонидан туман электр таъминоти ва «Иссиқлик манбаи» корхоналари ҳамда шу ҳудудга қарайдиган ширкат ходимлари иштирокида юзага келган ҳолат ўрганиб чиқилди. Электр таъминоти етказилиши назоратга олиниб, кўчадаги қатор кўп қаватли уйлар иссиқлик манбаи билан таъминланди. Иссиқлик берилмаган кунлар учун аҳолидан тўлов ундирилмаслигига эришилди.

**Г.САГАТОВА,**
**Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мутахассиси**



**Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 12 жамоа ўзаро баҳс олиб борди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизими ҳамда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшларни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу мусобақа Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида уч йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Бундан асосий мақсад ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, навқирон авлоднинг давлат чегаралари дахлсизлигини, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулиятини кучайтириш, ёшларни спортга кенг жалб этишдан иборатдир.

Мусобақада жамоаларнинг Президентимиз асарлари бўйича эгаллаган билимлари, сафда юриш ва саф қўшиғи, югуриш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқлардан ўтиш, қуролдан отиш кўникмалари синовдан ўтказилди.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг Ургут ва Музработ туманларидаги «Амир Темур авлодлари» ҳамда «Қоплон» жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Суратда: мусобақа ғолиби ва совриндорлари.**
**Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ — МУОМАЛАНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ТУРИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг мавжудлиги ва улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.***

Низом талабларига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи-ходимлари томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолати савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши, деб ҳисобланади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сотувчи-ходимлари томонидан тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Оққўрғон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан мазкур ҳолатларга барҳам бериш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йил 1-чорагида мавжуд 156 та терминал орқали 5 миллиард сўмдан ортиқ савдо амалга оширилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 60 та терминал ўрнатилиб, 2 миллиард сўмдан кўпроқ савдо қилинганини билдиради.

**Мансур ҚЎШБОЕВ,**
**Оққўрғон туман ДСИ ходими**

ҚАРОР ВА ИЖРО

***Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблари тўғрисида»ги Низомга кўра, бундай транспорт воситалари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда йўловчиларни ташишга руҳсат берувчи лицензия бекор қилинади. Ҳайдовчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий ёки маъмурий чора қўлланилиши мумкин.***

## ЯГОНА ТАНИШ БЕЛГИЛАР

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-4-моддасига асосан ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бош бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки улар шикастланганлигига қарамай йўловчиларни ташиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддасига кўра, автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Учтепа туманида йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони 20 тани ташкил этиб, уларда 387 та транспорт воситаси мавжуд. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ушбу йўналишда белгиланган тартиб ва норматив-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида туманда жорий йилда ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 63 нафар фуқаро аниқланган. Уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилган.

**Бахтиёр МЎМИНОВ,**
**Учтепа туман ДСИ шўъба бошлиғи**

РЕКЛАМА

**«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Сурхондарё вилоятидаги давлат автокорхоналарини тугатилиши ва қайта ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясининг 15.02.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш баённига асосан тугатилаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонасини тугатиш комиссиясининг 2013 йил 12 апрелдаги 5-сонли йиғилиш қарорига асосан Денов туман Туркистон кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонаси балансида бўлган қуйидагилар қўйилмоқда.

1. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 575 бўлган, 1979 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 2. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 577 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 3. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 699 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 4. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 585 бўлган, 1982 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 5. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 588 бўлган, 1986 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 6. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 590 бўлган, 1981 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 7. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 554 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм.

8. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 594 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 9. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 605 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 10. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 663 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 11. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 677 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 12. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 683 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 13. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 690 бўлган, 1981 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 14. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 701 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 15. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 702 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм.

16. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 756 бўлган, 1982 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 17. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 757 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 18. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 596 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 19. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 597 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 20. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 678 бўлган, 1982 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 21. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 680 бўлган, 1986 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 22. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 695 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм. 23. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 672 бўлган, 1982 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 11 757 000 сўм.

24. ГАЗ 2411 русумли д/р 19 AD 462 бўлган, 1986 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 1 502 000 сўм. 25. Камаз-5410 русумли д/р 19 AG 570 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 15 077 000 сўм. 26. Зил 441510 русумли д/р 19 AG 562 бўлган, 1988 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 10 162 000 сўм. 27. Зил 441510 русумли д/р 19 AF 689 бўлган, 1989 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 10 162 000 сўм. 28. Камаз-5511 русумли д/р 19 AG 545 бўлган, 1988 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 18 252 000 сўм. 29. Камаз-5511 русумли д/р 19 AG 552 бўлган, 1985 й и/ч, таъмир талаб автомашина. Б/б 18 252 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11:00 да Денов туман Туркистон кўчаси 34-уй манзилдаги 2516-сонли автокорхонаси биносида бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 29 май куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2013 йил 31 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 17, 24 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 17 июндаги савдо учун 14 июн куни соат 18:00. 24 июндаги савдо учун 21 июн куни соат 18:00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ХО-АББ «Тарстбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО: 01063, ИНН: 302125729.

**Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел: (8-376) 227-57-94. www.rmm.uz . Гувоҳнома: 972.**

Ishonch
2013-yil 30-aprel № 54 (3247)

ТИЛЛАРИ БИЙРОН ТАРИХ

***Тарих келажакнинг асоси бўлса, хотира авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган ўзига хос кўприкдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Инсон она Ватани тарихини билмасдан туриб ўзини маданиятли деб ҳисоблаши қийин. Ана шу мақомга эришувимизда музейларнинг аҳамияти беқиёсдир.***

# ЎТМИШ — УНУТИЛМАС ҚЎШИҚ

Олис ўтмиш ва қадриятларимиз ҳам, бугунги кунимиз ҳам, эртанги порлоқ истиқболимиз ҳам ойнадек ёрқин акс этиб турган Термиз Археология музейига ташриф буюрганимизда кўнглимиздан шу ўйлар кечди.

«Сурхондарёқурилиш» жамоаси томонидан бунёд этилган музей биноси — маърифат масканининг умумий саҳни 8840 кв.м. Кўргазмалар зали сатҳи 1161 кв.м. бўлиб, ўз бағрига 100 мингдан ортиқ экспонатни сиғдирган. Айни вақтда 80 минг 800 дан ортиқ асори-атиқалар ҳамда 8 мингдан зиёд археологик ашёвий топилмалар, 20 мингга яқин нумизматика фондига оид турли даврларга хос тангалар сақланмоқда. Айниқса, Сурхондарёда бронза давридаёқ давлатчиликнинг шаклланганига гувоҳ бўлувчи юлдузча шаклидаги ҳамда илон ва дарахт тасвири туширилган муҳрлар, милоднинг 200-йилларида фил суягидан ясалган шахмат доналари кишини ҳайратга солади ва халқимизнинг нақадар бой тарих ва маданиятга эга эканлигидан дарак беради.

Мюнхен университети археологи, доктор Кай Каниут, таниқли археолог Г.Микртчян ва бошқа олимлар сатҳи нисбатан кичик бўлса-да, Термиз Археология музейи ўзининг салоҳияти билан Лондондаги Британия, Париждаги Лувр, Нью-Йоркдаги Метрополитен, Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажи музейларига яқин туришини ёзиб қолдиришган. Клод Рапен ва Пьер Лерге каби француз археологлари Термиздаги бу музей ўзининг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлашуви ва томошабинга тушунарли эканлиги билан жаҳондаги энг яхши ўнта музей қаторидан ўрин эгаллаганини билдиришган.

Термиз Археология музейига қадам ранжида қилган томошабиннинг қалби беихтиёр фахр-ифтихорга тўлади. Кенг ва ёруғ хоналар, шаффоф ойнаванд шкаф, тиргак ва тагликларда ялтираб, узоқ ўтмишдан садо бериб турган турфа экспонат-у асори-атиқалар, уларни намойиш этишда фойдаланиладиган электротехника воситалари, муҳими, малакали экскурсавод-гидларнинг хизматлари кўнгилга ёруғлик олиб киради.

Ўтган йили музейни томоша қилган 14 минг 600 нафар кам таъминланган оила вакиллари, 1953 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, 5000 нафардан ортиқ боқувчисини йўқотганларга 57 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли хизматлар кўрсатилди. Жорий йилда ҳам томошабинларнинг кети узилмаётир. Уларга видеолавҳалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида намойиш этилмоқда.

— Ўтган йили музейимизнинг 10 йиллиги кенг нишонланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломлари билан тақдирланди. «Музей — халқ тарихининг кўзгуси» республика кўрик-танловида қатнашиб, «Йилнинг энг яхши музейи веб сайти» номинацияси ғолиби бўлдик. «Буюк ипак йўли бўйлаб» халқаро туризм ярмаркасида 19 та экспонат билан иштирок этиб, сайёҳлик фирмалари билан 13 та икки томонлама шартнома имзолади. 73 нафар ходимимиз воҳанинг ўнга яқин масканларида бешта экспедиция археологик қазилма ишларини олиб боришмоқда, — дейди музей директори, тарих фанлари номзоди Исмоил Ботиров.

Бу ишларда музей жамоасига яқиндан кўмак бераётган Соко университетининг профессори, 90 ёшни қаршилаган Кюдзо Като шундай деди:

— Тарихнинг тиллари бийрон. Лекин тарих билан ҳар ким ҳам гаплашиб кета олмайди. Президент Ислом Каримов биринчи бор музейга кириб келгани ҳозиргидай ёдимда. Ўшанда кўрганман у кишининг тарих билан сирлаша билиш салоҳиятини. Тарих билан сирлашган одам эртанги кунини, келажакни кўра билади. Келажакни кўра олган эса танлаган йўлидан асло адашмайди. Бундай салоҳият камдан-кам одамга насиб қилади.

Ўз юрти Японияда ҳам ўзбекнинг одмигина дўпписи ва тўнини кийиб юришга одатланган бу машҳур олимнинг олижаноб фикрлари шууримизга бир умрга ўрнашиб қолди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

ХАЙРЛИ ИШДА КАМАРБАСТАМИЗ

***Меҳр-оқибат, беғараз ёрдам кўрсатиш, муҳтожларга кўмаклашиш одамийликнинг юксак намунасидир. Ана шундай хайрли ишларга камарбаста бўлаётган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти мана неча йилдирки, юртимизда самарали фаолият юритиб келмоқда. Инсонпарварлик, беғаразлик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, бирлик, универсаллик каби еттита асосий тамойилга қатъий риоя қилиб келаётган Жамият томонидан ёлғиз, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, етим болалар ва эҳтиёжмандларга тиббий, ижтимоий, моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.***

# ОДАМИЙЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Шу билан бирга, аҳолини турли фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш, халқаро қидирув хизматини ташкил этишга ёшларни жалб қилиш, уларнинг халқаро ижтимоий-ҳуқуқий билимларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги ишлар ҳам эътирофга лойиқ.

Жамиятнинг Тошкент шаҳар ташкилоти Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ва Давлат дастурларини бажаришда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида Жамият тасарруфидаги якка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, шунингдек, кам таъминланган оила фарзандлари, фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил қилиш вазифаси қайд этилган. Ушбу мақсадда бугунги кунда 16 нафар меҳр-шафқат ҳамшираси хизматга ҳозир. Улар томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон қарияларга 18 минг 555 марта тиббий, 7665 марта ижтимоий кўмаклашилди ҳамда дори-дармон билан таъминланди. Шунингдек, 41 нафар қария шифохоналарда соғломлаштирилди. Эҳтиёжманд ҳамда бахтсиз ҳодиса натижасида зарар кўрган 9 оилага жамият ҳисобидан 38 млн. 935 минг моддий сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Жойларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънан етук авлодни шакллантириш юзасидан қатор учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Оиланинг муқаддаслиги, аёллар саломатлигининг соғлом турмушдаги аҳамияти, гиёҳвандлик, тамаки маҳсулотларининг организмга салбий таъсири, балоғатга етмаган қизларни эрта турмушга узатиш оқибатлари мутахассислар томонидан кенг таҳлил қилиб берилмоқда.

Маҳалла ва олийгоҳларда, касб ҳунар-коллежи, академик лицей ва мактабларда ОИТС бўйича 77 та, беғараз донорлик бўйича 48 та, сил касаллиги профилактикаси бўйича 46 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Жамият томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида инсонпарварликни тарғиб қилиш, беғараз донорликни ривожлантириш, ўқув муассасаларида бошланғич ташкилотларни тузиш, кўнгиллиларни жамият сафига қабул қилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда 16 та олий ўқув юртида, 48 фоиз коллеж ва академик лицейда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, талаба ёшлар ўз ихтиёри билан аъзоликка қабул қилинган.

Бинобарин, хайрли ишлар кўлами бундан кейин ҳам такомиллашиб, ривожланиб бораверади.

**У. МУҲАМЕДОВА,**
**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти**
**Тошкент шаҳар ташкилоти раиси**

РЕКЛАМА

**«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади.**

**Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 22 апрелдаги 13а-сонли буйруғига асосан ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ «АУКЦИОН» савдоларига чиқарилмоқда:**

1.Пешку тумани Ибн Сино қишлоқ фуқаролар йиғини Суфилар қишлоғи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 4 та ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 480 000 сўмдан.**

**Талабгорлар диққатига!**

**«АУКЦИОН»** савдолари 2013 йил 30 май куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қавати) манзилида ўтказилади.

**«АУКЦИОН»** савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

○Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

○Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

○«Аукцион ташкилотчиси»нинг реквизитлари: СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15 % (ўн беш фоиз) миқдоридаги закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси;

○Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт нусхаси:

хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;

○**«АУКЦИОН»** савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4-қаватида қабул қилинади.

○Закалат пулларининг киритилиши **«АУКЦИОН»** савдолари бошланишидан бир соат олдин Буюртманомаларни қабул қилиш **«АУКЦИОН»** савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 29 май куни соат 16:00 да тўхтатилади.

○Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR»** масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

**Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: + 99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.**



Нукус туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасида болаларнинг замонавий педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия олиши учун барча қулайлик яратилган.

Айни пайтда бу ерда 40 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Боғчада таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида қизиқарли ўқув ва спорт машғулотларидан ташқари болалар инглиз тили, мусиқа ва амалий санъат тўгаракларига жалб қилинган.

**Суратда: Нукус туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасида.**

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

ФЕСТИВАЛ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республикамиздаги ўқув муассасалари қошида «Ораста қизлар» тўгараклари 2011 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётганидан хабардорсиз, албатта. Ушбу хайрли ишнинг давоми сифатида «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа масъуллар ҳамкорликда Тошкент шаҳрида «Ораста қизлар» республика фестивалини ўтказди.***



# ОРАСТА ҚИЗЛАР ДАВРАСИДА

Фестивалга ташриф буюрган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумтаълим мактаблари ўқувчи қизлари фестивал аввалида чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида «Бахтиёр она» ва Зулфияхоним ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди. Шундан сўнг, Олмазор туманидаги «Гуручариқ» маҳалласидаги «Ораста ёшлар даврасида» ахборот-маслаҳат гуруҳининг ишлари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, шу ҳудудда жойлашган 28-умумтаълим мактабида «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти акс эттирилган стендлар ва тенгдошларининг қўллари билан яратилган кўргазмани кўздан кечирдилар. Айниқса, тенгдошлари томонидан намойиш этилган мусиқали дастур иштирокчиларга байрамона руҳ бағишлади.

— Фестивалда қатнашаётганимдан жуда хурсандман, — дейди мамнуният билан шероботдлик 45-мактаб ўқувчиси Мунира Жумаева. — Аввало, «Ораста қизлар» тўгарагининг ташкил этилгани биз ёшларга бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир. Тўгаракдан гигиена, муомала маданияти, этика-эстетика ва бошқа кўп нарсаларни ўргандим ва ўз навбатида, клуб сардори сифатида тенгдошларимни ҳам бундан воқиф этдим.

— Ҳозирда ҳар бир ўқув муассасасида ушбу тўгараклар фаолият юритмоқда, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Зебо Нурмонова. — Мақсад ёшларда шахсий гигиеник соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборни кучайтириш ва тиббий маданиятни юксалтиришдан иборат. Шунингдек, қизларнинг эрта турмуш қуришлари олдини олиш, оила муқаддаслиги, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунчалар бериш каби вазифалар белгиланган.

Фестивал Ўзбек Миллий академик драма театрида давом этди. Эрта тонгдан кўзларида қувонч, қалбларида ҳаяжон жўш урган 194 нафар сара қизлардан иборат 14 та жамоа жам бўлди. Маросимни Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова очиб берди. У илк бор ўтказилаётган фестивалнинг биринчи қалдирғочларини қизғин қутлар экан, оқила ва доно ёшларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб ораста қизлар сафини янада кенгайтиришда билим ва кўникмаларини аямасликларига ишонч билдирди. Шунингдек, тенгдошлари қалбида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, улардаги етакчилик қобилиятини юксалтириш, дўстларининг ўқишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, 12 йиллик мажбурий таълим моҳиятини тушунтириш, балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, хонадони ва маҳалласини озода сақлаш масалаларини тарғиб этиш вазифаси юклатилди.

Шундан сўнг, тадбирнинг асосий қисми бошланди. Бир-биридан зукко, билимдон ва дилбар қизлар тўпланган жамоалар ўзларига берилган мавзулар бўйича саҳна кўринишларини намойиш этишди. Чуқур мазмунга эга ушбу тақдимотлар томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Сўнгра, ҳар бир жамоага яна 10 тадан тезкор саволлар берилди.

Фестивалнинг энг ҳаяжонли дақиқалари етиб келди. Ҳайъат аъзолари қизларнинг чиқиши ва билимига қараб муносиб баҳолашди. Унга кўра, «Одам савдоси ва унинг оқибатлари ҳақида хабардор бўлиш» мавзуси бўйича Фарғона вилоятининг «Ниҳол» гўзаллари биринчи, «Оммавий маданият шаклларини маънавий ҳаётимизга таъсирини кескин пасайтириш» мавзуси бўйича Самарқанд вилоятининг «Зукко қизлар»-и иккинчи, «Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, оиладаги соғлом ва носоғлом маънавий муҳитнинг бола онгига таъсирини очиб бериш» мавзуси бўйича Тошкент вилоятининг «Ниҳол» қизлари учинчи ўрин соҳибаларига айланишди.

— Фестивалдан олган таассуротим бир жаҳон, — дейди ҳаяжонини яширолмай фарғоналик Мурувватхон Ғаффоржонова. — Республикамиз миқёсида биринчи марта ўтказилган бу анжуманнинг илк ғолиб жамоаси аъзоси эканлигимдан фахрланаман. Вилоятимиз «Ораста қизлар»ининг сафи янада кўпайиши учун бор имкониятимдан фойдаланаман. Қолаверса, келажагимизга бўлган эътибор учун барча-барчага миннатдорчилик билдираман.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Аҳмад ТЎРА олган сурат**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 22. 00
Topshirildi - 23. 45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5